

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 9 апрель Чоршанба. № 29 (14422)

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Пул-кредит сиёсати комиссияларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисда Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви Раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Унда Вазирад Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарорининг ҳудудларда қандай бажарилаётганини ҳамда республикада ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга қаратилган бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг мазкур масалалар юзасида нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарорининг бажарилиши бўйича ҳудудларда пул муомаласини барқарорлаштириш борасида тегишли чора-тадбирлар ўтказилиши муносабати билан жорий йилнинг апрель ойида ва умуман биринчи чора-тадбирларнинг мажлисида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Биринчи чорак учун нақд пул эмиссиясининг амалдаги даражаси ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ва умуман республика бўйича уйдаланган, белгиланган кўрсаткичдан 9,0 фоиз камайди.

Маълумотлар таҳлили натижалари кўрсатиб турибдики, деб таъкидланади мажлис материалларида, жойларда бу борада тегишли чора-тадбирларнинг ўтказилиши белгиланган кўрсаткичларнинг шаҳарлар ва туманлар томонидан бажарилиши яхшиланди.


Ҳисобот даврида мамлакатимиздаги 196 шаҳар ва тумандан 171 тасида умумий тушум суммаси бўйича касса режаси бажарилиди. Биринчи чорак учун нақд пул эмиссиясини даражаси бўйича ўрнатилган кўрсаткич эса 165 та шаҳар ва туманларда уйдаланди.

Мажлисда жойлардаги Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нақд пул муомаласини самарали ташкил қилиш борасида ҳали етарли ишлар амалга оширилмаётганини кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, Сурхондарё, Андижон ва Қашқадарё каби вилоятларда ишловчиларга иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўришлари лозимлиги кайт этилди.

Шунингдек, Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида касса режаси кўрсаткичлари ва нақд пул эмиссиясининг белгиланган даражасини бажарган ҳудудлар раҳбарлари моддий рағбатлантирилди ҳамда мазкур кўрсаткичлар уйдаланмаган ҳудудлар раҳбар ҳолидларининг шахсий жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилди, уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар белгиланди.

Мажлисда бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иқтидорлилар — юрт бахти



НОДИР БОЛА

Ҳамма нарса ёш, касб, жой танлайди. Аммо ижод учун на ёш, на буй, на ба-ст даркор. Фақат у та-лантиниша инобатга ола-ди.

Қаҳрамонимиз Нодир-жон Каримовни биринчи кўрсатишимизда, бу беш қар-ричи бола ҳақидаги эшит-ганларимизга унчалик ишонмадик. Бино эшигда турган қоровул хола ҳам «ёш болалар қиртилгани» таъқиқланганини» тушун-тирди. Биз эса Нодир ҳа-қида ёзилган мақола учун қаттиқ таянганми-миз. Шунда... Нодир-жон-нинг чизган расмлари ҳам-мамизни мот қилди. Бу жажжи болача билан бў-лган суҳбатимизни эса қо-ғозга тушуриб, сиз азиз муштариларга ҳавола этишни истаймиз.

— Нодиржон, мактабга борасанми?
— Йўқ, 252-боғча тар-бияланувчиман.
— Боғчани яхши кўра-санми, ёки урғоғларингдай у ерга йиллаб борасанми?
— Яхши кўраман. Йил-лайдиган болаларни боғча ораси ёмон бўлса керакда.
— Дам олин қуналар кў-чада мазза қилиб ўйнасан-керасан?
— Уйнашни ёмон кўра-ман. Опаларим Луиза, Зе-бо билан расм чизишни ях-ши кўраман.
— Кўпроқ қайси опанг ёрдам беради?
— Иккови ҳам. Аммо ойим-дан кўпроқ нарсани ўрганиш-ни хоҳлайман.
Изоҳ ўрнида: Нодиржонни-ни онаси Зухра Юсунова Ак-мал. Икромов туманидаги «Болалар ва ўсмирлар» ижо-дий марказида тўрақ раҳ-бари бўлиб ишлайди. Рас-сом болаларини сеvimли опа-си.
— Нодиржон, ойинг сени рангларни тушида кўради, дейди. Шу ростми?
— Рост. Кейин уша ран-глари ишлатаман.
— Қайси ранглари яхши кўрасан?
— Ҳаммаси яхши.
— Катта бўлсанг рассом бў-ласанми?
— Ҳа, рассом бўламан, талаба бўламан, ундан кейин рассом.
— Узинг ҳозир неча ёшда-сан?
— 1990 йилда туғилганман. Кейинги йил мактабга бора-ман.
— Чизган расмларинг ичи-да энг яхши кўрган расминг борми?
— Тўғрисини айтмайми?
— Ҳа-ла.
— Ҳаммаси.
Нодир, нодир бола... ча. Унинг сузларини роҳат қилиб эшитиш, жажжи қўчалари бил-лан чизганларини мазза қилиб кўриш, у қабилар учун ярати-лаётган имкониятларга эса ҳа-вас билан қараш мумкин. Но-диржон Каримов эндигина 7 ёшга тулди. Истеъодди эса ёшдан улканроқ. Унинг ишлари Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси Би-носда, туман кўрик-тан-ловларида кўрсатилади ва ўз муҳлисини топи. Унинг асфалтга солган қўёш рас-ми мустақил Ўзбекистонни-нг рамзий тасвири сифати-да чизилган эди. Нодир-жондан бор имкониятни ая-маётган онасининг, шу юрт, эл истиқболи учун кураш-ган авлодлар руҳининг, бу-гунги кун жонқурларининг умид-ишончи катта. Но-диржон эса 7 ёшлидаёқ ана шу ишончга содиқликка шайланмоқда.

ЛАЙЛО

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

8 апрел кун «Ўзбекистон Республикаси-нинг Давлат тили ҳақида»ги қонунини амал-га ошириш Республика комиссиясининг маж-лиси бўлиди. Унда тегишли вазирлик ва идо-ралар, жамоат ва ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирад Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосар-лари иштирок этди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси А. Азизжўраев маж-лиси бошқарди.

Мажлисда комиссия 1996 йил 18 декабр-даги йиғилишида қабул қилган қарорининг ба-жарилиши тўғрисидаги, Давлат тили ҳақида-ги қонуннинг Қорақалпоғистон Республика-си ва Хоразм вилоятларида қандай бажарила-ётгани ҳамда Республика алоқа вазирлиги ва вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилот-ларда мазкур қонунни амалга оширишни таъминлаш давлат дастурининг ижроси бора-сидаги масалалар муҳокама этилди.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оши-риш республика комиссияси қотибятининг катта эксперти Ю. Хаммамов, Қорақалпоғ-истон Республикаси Вазирад Кенгаши раиси-

«Камолот» — тўрақлик фарзанди

«КЕЛИШДАН ОЛДИН ҚЎРҚҚАНДИМ...»

Сўхбатдош ҳақида: Ёқуб ТУРСУНОВ.

Павозими: Ўзбекистон Ёшлари «Камолот» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси.

Мутахассиси: Тошкент Тўрақчилик ва енгил саноати институтини битирган.

Ёш: Ҳа ҳақда билан айтганда 35 ёшдан ошган.

Бунда вақти: Ҳа ҳақда билан айтганда 35 ёшдан ошган.

Жон-у аяли: Спорт. Футболни севади. Аммо эркин ку-раш бўйича мастерликка номзод.

Ёшларга маслаҳати: Ҳафта-да бир марта қорин учун «оқлик» эълон қилиш.

Опаси: Рафиқалари ўқитувчи, бир ўғил ва икки қизнинг отаси.

— Ёқубжон ака, истиқ-лол шарофати билан тузил-ган Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳадемай ўзининг 1 йиллик тўйини нишонлайди.

— Бир йиллик яқун кўп нарсани ошқор этади. Қил-ган, қилаётган ишларимиз кўп. Энг асосийси ёшлар бизга ишонч билан қараш-япти. «Камолот» жамғар-мамизни биринчи кундан кўп-лаб ташкилот раҳбарла-ри тан олд, ўзларининг моддий ёрдамларини кўр-сатишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

— Ёқуб ака, «Камолот» Ўзбекистон ёшлари орзу қилган ташкилот бўлиди, дея оласизми?
— Итифоқ тарқалгандан кейин ҳамма ўзинча яшаш-га ўрганди. Ёшлар Иттифо-қи давр билан иш олиб бо-ра олмасди. Ёшлар уйдан чиққандан кейин уларни бошқир қовуштирадиган ташкилот қолмади. «Камолот» ана шундай пайтда ўз вақтида ташкил этилди.

Энди нимага кўмита эмас, жамғарма дейди. Кўмита ўз улушини катта қозондаги бор нарсдан оларди. Етса етди, етмаса йўқ. Энди эса жамғарма-нинг ўз ҳисоб рақами бор. Бу ташкилот ўзи учун ўзи жон қуйдиради. Боқиман-даллик кайфиятидан воз ке-чади.

— Саволим бошқачароқ эди...
— Тушуниб турибман, Саволингизга ҳа, албатта, деб жавоб беришга тайёр-ман. Бонси Ўзбекистон ёш-лари учун бутунги бозор

иктисодиёти шароитида ана шундай ҳар томонлама ҳимо-ловчи жамғарма керак эди.

Тадбиркорлик, ишбилар-монлик-давр талаби. Ёшларга шундай кунда «Камолот»дай ёрдамчи керак. Биринчи кун-ларда ёшлар жамғармасига ҳо-миёлар кўп топилди. Аммо нақд пул беришга чўнтақлари кўтармади. Ушунда биз улар-нинг маҳсулотларига харидор топдик. Бу билан эса кўп нарсани ўрганиб, билиб олдик. Ҳозир ҳар битта туманимизда ёшларнинг ўз корхоналари иш олиб борапти.

— Яна ўз-ўзидан саволдан савол туғилади-да. Сиз бўлим раиси сифатида вилоят ёш-лари билан бошқаларга нброт бўладиган ишни амалга оши-ра олингизми?
— Ибротли иш... Кўп иш-мизни айтиш мумкин. «Ҳамза» теат-рида Тошкент тумани «Камолот» жамғармаси билан бир-галликда пойтахтда таълим олаётган туман талаба ёшлари билан учрашув ўтказдик. Улар раҳбарларни, раҳбарлар улар-ни танишди.

Бир йил давомида яна бир қилган яхши ишимиз «Маҳал-ла» жамғармаси билан доим ҳамкорликда бўлди. Маҳал-лаларда жамоатчилик марказ-лари очдик.

— Ёқуб ака, иш фаоли-тингда бирор ёшга ердам бер-ганингизни қувониб, эслай оласизми?
— Букадан 4-5 та йилгит ер-олишга ердам беришимни су-раб келишим. Ҳокимият бил-лан келишим. Ҳозир уларни-

Акс-садо

ЁҒ ҚАЙГУСИМИ, ОҒАЛАР?..

«Эчкига жон қайғу, қасосга ёғ қайғу» деганларидек, «оғаларимиз» ҳам ҳаракат-га тишиб қопибди. Бу гаплару қочирми-ларни таъкидлаб ўтиришимнинг ҳождати йўқ. Зеро, «Туркистон»да чоп этилган «Ақ-лилик» балосини ўқиганлар тушиниб ола-шади.

Бугун биз узбек миллиятининг кечмиши ва келажаги учун бирдай азиз бўлган он-ларни бошдан кечириб турибмиз. Агар биз мамлакатимизнинг илк тараққиёт оидмлариданоқ ўзига хос ва мос йўлла-ридан адашмай борсак, ушбу даврни ке-лажак авлодлар минглаб йиллар даво-мида гўрур билан ўрганадлар.

Мақола муаллифи «Озодлик» радиоси эштитиришида эълон қилинган Россия ташқи ишлар вазирлигининг маҳфий хўж-жатидан келтирган парчасида шундай гаплар бор: «Ўзбекистон ҳўкумати Бугун конфедерацияга қарши, лекин бу қар-шилик унча қаттиқ эмас. Агар иқтисодий томондан Ўзбекистон қийнаиб қолса, биз-га мурожаат қилишга мажбур бўлади. Биз шу даражага олиб келиш учун...у ердаги ислом фундаменталистларини ҳў-куматга қарши қўйишимиз керак...»

— Вой, оғам-ей, — дейсан қонинг қай-наб. Ҳамма ишни айнан эътиқод масала-сида бошлаганини эслаб. Улар Исломга бўлган эътиқод ёрдамда коммунизмча эътиқодни қўмсаб қолганларни сир эмас. Лекин Исломда шундай буюк сўзлар бор-ким: «Ватанин севмоқ нймондандур». Ёв-га терс қараганлар эса мусулмон эмас!

Ориф ТУРОПОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-курс талабаси.

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ

«Бировга чоҳ қаз-санг, ўзинг йиқипа-санг», деган ўзбек халқиде одилона, кўп бор ҳаёт чархпа-пагидан ўтган нақл бор.

«Туркистон» газета-сининг 2 апрель сониде босилган «Ақлилик балоси» мақоласини ўқиб, беҳосдан шу мақол-ни тилга олсан. Ва, москвалик айрим журналистларга ҳам шунини эслатиб қўйиш керакмикин?

Яна бир гап Урта Осиё халқлари ораси-даги меҳр-оқибат кўни-кечаги «Босқин-чилик» сабаб пайдо бўлган эмас. Уларни-нг қўруқ пўппасларни ўзларининг бошларига бало бўлиши мумкин. Дини, қони, заманин бир халқ ҳеч қачон уларга ишон-майди.

Дилфуза ДАМИН қизи,
ТошДД талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳўзурдаги Давлат ва жамяят қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро ижтимоий марказининг таъсис йиғилиши бўлди. Марказ вақтлий матбуот, телевидение ва радио тизимидаги журналистларнинг касб малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси оммавий-ахборот воситаларини демократиялаш жараёнига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Президентини ҳўзурдаги Давлат ва жамяят қурилиши академияси, Конрад Аденауэр номдаги жамғарма, республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳўкуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари марказнинг муассислари бўлди.

Динозаврлар қачон қиррилиб кетган? Америка олимларининг таҳминига кўра, ер сатҳига улкан астероид келиб урилганида осмону фалак чанг—тўзон билан қопланиб, қўёш умуман кўринмай қолган. Уч йил давом этган зимистон оқибатда динозаврлар қиррилиб кетган.

Олимлар инсон фаолияти ҳам яна бир неча асрдан кейин ана шундай муҳиди ҳолатларга, иқлимнинг кескин ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин, деган фикрни билдирмоқда.



Самарқандда инглиз тилига ихтисос-лашган 37-ўрта мактабда америкалик ўқувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Утган йили ушбу мактаб ўқувчилари инглиз тили ўқитувчиси Н. Шокирова раҳбарлигида Американин Трентон шаҳридаги ўқув даргоҳларини бориб кўрган эди. Бу эса америкалик ўқув-чиларнинг жавоб ташифида.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида «Хорижий таълим ва истеъодли ёшларни танлашнинг дўне тажрибаси» мавзисида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда ўзбекистонлик олимлар ва йиллаб хорижий мутахассислар маърузаси тингланди.

Футбол бўйича Олий табақ жамоалари навбатдаги тур уйинларини бошлаб юборишди. Дастлабки учрашувлар қўйилдига яқинланди: Янгнер-Дустлик 2:2, Чилонзор-Насоф 0:2, Андижон-Зарафшон 2:1, Сўғдиёна-Қосонсой 3:0, Нефтчи-Хоразм 7:1, Бухоро-Трактор 3:1, Сурхон-МХСК 0:3.

Ўзбекистон республикаси Марказий Банки 1997 йил 8 апрелдан ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 58 сўм 89 тилин миқдорда белгиледи.

«Туркистон» ва ўз хабарлари асосида тайёрланди.

«Туркистон» газетаси реклама учун энг қўлай имконият

реклама ва эълонлар учун тел: 339597, 337269



ИЛМОНЛАРНИ ҚИНОҚ БУ ФОРМАГА

Сурхонда гумбурлар тоғлар сараси

5—6 апрель кунлари Термизда Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказилди

Полвонлар беллашуви ниҳоятда ҳаяжонли ва қизиқarli бўлди.

5 апрель кунини эрта тондан оқ Термиз шаҳридаги «Алпомиш» уйингоҳи томошабинларга диққат тўлдирди.

Халқаро турнирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Жўра Норалиев сўз олди: «Мустақил Ватанимизнинг раванки кундан кунга ортб бораётгани. Бунда барча соҳа кишилари сингари спортчиларнинг ҳам ўзи улushi бор. Айни пайтда улар жаҳон, Осиё биринчиликларида муваффақият билан иштирок этишиб, юртимиз довурига довуруқ қўшмоқдалар».

Беллашувда Грузия, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа давлатлардан келган ўнлаб полвонлар ўз омадларини синаб кўриш учун навбатма-навбат майдонга тушилди.

Бош ҳакам — машҳур спортчи Комилжон Юсупов эса полвонларнинг беллашувларини одил баҳолашга киришди.

Биз ушбу мусобақанинг ташкилотчиларини давра суҳбатига қорладиқ.

Ўзбекистон миллий кураш Федерацияси президенти Ж. Турсунов:

— Кураш халқимиз орасида ўз қадрини топган мусобақа, курашда заррача гирромлик ҳам даров сезилиб қолади. Икки кунлик беллашувларни кузата туриб, бу турнирда ҳаллолик тантана қилди, деган фикрга келдим.

Мусобақада пухта ҳозирлик кўрилган эди. Ҳа-

камларга алоҳида, полвонларга алоҳида, кийимлар тайёрланганди. Уйингоҳ дид билан, жаҳон андозлари асосида қайта таъмирланганлиги ҳам мусобақага ўзгача жозиба бахш этди.

Вилоят ҳокими муовини, ташкилий қўмита ва миллий кураш федерацияси раиси Кўчкер Аҳмедов:

— Мустақилликнинг шарофати тўғрисида юртимизда спортга, айниқса, миллий курашни янада ривожлантиришга эътибор кўчади. Республика Вазирилар Маҳкамаси 1995 йили махсус қарор қабул қилганлиги, унда Термиз шаҳрида Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда бир марта миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказиш белгиланганлиги юртобшамизнинг спортга катта аҳамият бераётганлигидир.

1993 ва 1995 йиллардаги Халқаро мусобақалар ҳимий ташкилотлар ва айрим кишиларнинг хайр-саховати эвазига ўтказилган эди. Учинчи Халқаро турнир эса Ал Ҳаким ат-Термизий жамғармаси захираси ва ютуқли лотерея сотувидан тушган маблағ ҳисобига ўтказилди.

Лотереяни сотишда «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлими, вилоят матбуот жамиятлари уюшмаси ва бошқа ўнлаб ташкилотларнинг жонқуяр ҳодимлари фаоллик кўрсатдилар.

Эрали МАМАРАСУЛОВ, Ўзбекистон Президенти таъсис этган соврини — «Нексия» автомобили соҳибни.

Учинчи халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби:

— Ҳаётда шундай ҳаяжонли дамлар бўладики, уни бир умр унутмайсан киши. Мен ҳозир шундай дамларни бошдан кечираман. Президент совринига сазовор бўлиш олий бахтидир! Майдонга тушганимда неча минглаб кўзлар мени кузатаётганини ҳис қилдим. «Яратганим, ўзинг мадад бер» дедим. Рақибим ҳам анойилардан эмас эди-да. У ҳам неча-неча «мана ман» деган полвонларнинг курагини ерга теккизган.

Мен ушбу халқаро мусобақани ташкил қилган барча инсонларга чин дилдан миннатдорчилик билдиришмоқчиман. Бундай беллашувлар ёшларимиз ўртасида миллий спортимизга меҳр уйғотди.

ОТАНИНГ СЕВИНЧ ЭШЛАРИ

Даврага полвонлардан икки нафари чиқди. Улар аввалдан синашгадек беамалов даврани айлангиларди.

Булар ака-укалар, бири — Маҳтумқули, иккинчиси — Давлатолди.

— Полвонларга отаси ҳакамлик қилсин! — деган ҳайқириқлар эшитилди.

Даврага Худойберди Маҳмудов чиқди ва чаққон ҳаракатлари билан ҳакамлик қила бошлади. Худойберди ақанинг кўзларига қараб турдим. Унинг кўзларида севинч ёшлари йилтирди. Унинг хурсандчилигининг беқислиги, ўз пушти камаридан бўлган заворақли уғилларининг мусобақада иштирок этаётганлигидан эди. Икки марта қўл олишди, ҳеч бир натижа чиқмади. Учинчи марта қилинган ҳаракат эса Маҳтумқули полвонини-

нг қўли банд эканини кўрсатди.

ОФАРИН! БУНДАН ОРТИҚ ТАЪРИФ ЙЎҚ!

Мусобақанинг иккинчи кунини томошабинларнинг ҳам, полвонларнинг ҳам ҳаяжони янада ортди.

1 Халқаро мусобақада кумқўрғонлик Урол Тўраев, иккинчисида жарқўрғонлик Рустам Эргашев мутлоқ ғолиб бўлган эдилар. Энди-чи?

...Финал мусобақасида аввалига Тоштемир Мухаммадиевнинг ҳаракатлари анча шиддатли бўлди. Унинг биллаклари бақувват эканлиги, Сурхондарёча кураш усуллари

рени пухта эгалланлиги ҳаракатлардан сезилиб турарди.

Ун дақиқа давом этган беллашув давомида йнгирма минг кишидан ортиқ томошабин ўтирган уйингоҳ сув қуйгандек жимиб қолди.

Белгиланган вақт тугади. Уйингоҳ узра олқини салолари янгради. Ҳакамнинг сўзларидан сўнг эса кўпчилик сергақ тортишди.

— Бу олишайтган полвонлар бир-бирига тоға-жиён.

Шу гаплан таъсирландими, негадир Тоштемир Мухаммадиев икки қўлини кўтарди, бу рақибимга қойилман, ҳурматим банд ишораси эди. Шундай қилиб Ўзбекистон

Президенти соврини — «Нексия» автомобили деңовлик машҳур полвон Эрали Мамарасуловга насиб этди.

Тоштемир Мухаммадиев эса вилоят ҳокимлиги соврини «Дамас» машинаси билан тақдирланди.

Учинчи ўрин соҳибни — қашқадарлик чапдаст полвон Маммаўст Тошев Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси соврини «Тико» енгил машинаси билан муқофотланди.

Жовли ХУШБОҚОВ, «Туркистон» муҳбири.



Ўзбекистоннинг полвонлари...

Ҳоқиса

СПОРТЧИНИНГ ХАВАСИ КЕЛДИ

Белоруссия ва Россиянинг биатлон бўйича тренерлари Константин Вайгин ва Геннадий Раменский «Форд» машинасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан уйлари қайтаётганларида Польша ҳудудида режасида тўқнаш келишди.

Улар Варшавага яқинлашиб қолганларида спортчилар кетаётган автобусдан анча илгарилда кетишди. Шунда «Форд» ортидан келаётган автобуснинг машинани йўл чеккасига қараб суришга уриниб, сигнал чалиб, тўхташга ундай бошланди.

«Форд» тўхташи билан тўрт нафар кайфитароқ йигитлар ўраб олишди. Шу заҳотиёқ ақча талаб қилишди. Тренерлар бир оз савдолашиб вақтини чўзганлари бежиз кетмади.

Бу орада спортчилар ўтирган автобус етиб келди.

Автобусдан иргиб тушган биатлончилар, «овчиларнинг шундай адабини бериб қўйишдики, улар автобусдорларни томон кўеини расмини чиқишди. Энг тезопар белорус биатлончиси Олег Рижневнинг ҳатто уларга ҳаваси келди. Товламачиларни ана шу тез чопишлари кутқариб қолди чоғи, йўқса спортчилар қуролларини жилдан чиқара бошлаган эдилар.

Элга қўшулгон эш топти.
А.Навоий.
Қолопмас жаҳон ичра мангу киши.
Фақат қолғуси яхши ному иш.
Саъдий.
Ўз Ватанига доғ тушириш - уни сотиш деган сўз.
В.Гюго.
Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.
Ж.Байрон.
Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажки қалби яшайди.
Г.Фрейдтаг.
Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, - бу ватанга хлнәтдир.
П.Буаст.
Неким ўз қошинда эрув нораво.
Улуққа уни кўрма асли раво.
А.Навоий.
Тирик улки ундан кейин қолса жой - Ҳовуз, кўлу кўпик-ла, қарвонсарой.
Саъдий.
Ҳамиша қарамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш мумкин.
И.Гёте.
Ақл етишмаган ҳусн гўзал эмас.
Э.Гюле.
Ақл етуклиги ҳусн урнини бошичи мумкин.
Стендап.
Узоқ яшаш эмас, тўғри яшаш биллининг муҳимдир.
Сенека.

Сўзюзи

«ЮРАГИНГИЗ ЧИРОЙЛИ»

Рафур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат нашриятининг соъй-ҳаракатлари билан «Истеъдод» рўқидида чоп этилган Мухтасар Тоҳимаматованинг «Тавоф» номли илк китобига чизгилар

Бир ёруғлик истаб, типичилаб пиндик ёраётган кўртакнинг безовта ҳолати гўзал! Оппоқ, пар-пар пўпанак отган пиндик яшилликка таслим бўлаётгандек. Нафис шеърятимизга шалолдек қариб келаётган ёшларни кўртакка қўйслаш мумкин. Илоҳа уларнинг нафосати само қадар юксак бўлсин.

«Ватан сарҳалларинг кўксимда ётур,
Кўҳна баётларинг кўнглим уйғотур...»

Ватан сарҳаллари заминдек чексиз, кўҳна баётлар қаърида табарруқ зотлар руҳи юксак, куй бўлиб бағринга оқиб келаверади, бир ширин... сатрлар жилосими, руҳинг поклиги...

«Сен олтига оҳанг баҳи этдинг,
Ногоҳларинг титратмасида.
Эзиб-эзиб чалиб ташладинг
Рухимни ишқ уйнатмасига...»

Кўнглинг интилади еттинчи осмонга, етмоқ мушкул, мақоми олис. Барибир тушқунлик унга бегона, интилиб яшагач маҳкум этилган уйғоқ қанб безовта. Зотан: «Қабр тепасида ҳам яшайди умид!»

«Мен бир тикан эдим,
гуллар нафаси қайтиб кетди ишқим нафасларидан.
Мана озод этгум,
кутулсин улар
Уша оловсийрат қафасларимдан.

Кетсам, жаннатларга сиймайман энди...
Эҳтирос жун бушида добраб сочилиган қанб ўрик гули барғига қайрат бўлиб битилгандек, термулсанг кўзинг толади, англамоқ жоиз. Олам яралибдики шоир ўз қафасига сиймайди. Фалакка қадалган нигоҳ заминдан сирдош истамаса не тонг...

«Шивирламанг... чўчиб кетади
Юракдаги шохий излар...
Шивир этманг, бунча тез кетманг.
Қочиб етган оингиз — мейман!..
Биламан, сиз — осмон, мен — ер.
Лекин, лабим етганда — тенгман!»

Офтобнинг инжа нурлари — арқон, осилиб кўкка талпинаётган — юрак. Беркиниб олади гўнчалар иси — уялгандан...

Logo: iste'dod
Muxtasar Tohimmatov
'96 she'rlar
Tavof

Самарқанд дарвоза кўчаси. Заҳ ариқ бекатига ҳовли жой (3 хонали тўрар жой иморати, газ юна алоҳида, 6 сотиқ ери бор) ва АГВ (янги), иккита газ плита, бта газ балон сотилади. Тел: 42 42 79, 29 44 64.

Искандарнинг шоҳи бор

МУНОСАБАТ

Фарангистон қироли Людовик XIV бир кун машҳур шоир Никола Буалоини ҳўзурига чорлади ва ўз шеърларини кўрсатди. Буало «шеър»ларни диққат билан ўқиб чиқди ва деди:

«Жаноби олийлари учун иложисиз нарсанинг ўзи йўқ, сиз шеърят қондасига сиймайдиган янги жанрни истаган экансиз, буни бошлаб улдасидан чиқибсиз.»

Академик Бекетов ўзини хотиржам тутиши билан ажралиб турарди. Бир сафар хизматчи унинг хонасига ховлиқиб кириб келди:

«Жаноб, жаноб кутубхонангизда ўғриллар юрибди! — Нима, улар китоб ўқийаптимиз? — дея хотиржам сўради академик.»

Уғригина-я! Бальзакнинг хобхонасига ўғри кириб қолди. Жимгина улаётган ёзувчинини кўрган ўғри унинг қозғоғларини титқиллай бошлади. Уни бу ёқимли машғулоти уни ўғониб кетган романнависнинг ёввойи қаҳқаҳаси булди. Кўрқиб кетган ўғри деди:

— Тушунмапман, бунинг нимаси кулгили, жаноб? — Дестим, мен кўнгузи ҳам тополмайдиغان нарсаним сиз кечаси топмоқчимисиз? — деди ёзувчи.

Н. ЖАЛОЛОВ тайёрлади.

ЖАҲОН СПОРТИ ХАБАРЛАРИ

Футбол. Албаниядаги сиёсий инқироз мамлакат спортига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Албания ёшлар футбол жамоасининг саккиз нафар ўйинчисини ва уларнинг мураббийсини Испания ҳукуматидан сиёсий бошпана сўради. Улар Европа биринчилигининг саралаш ўйинида Германия жамоаси билан учрашиш учун Испанияга келган эди. Тиранда ўтказилиши керак бўлган мазкур ўйин мамлакатдаги можаролар тўғрисида Испанияга қўчирилганди.

Испания ташқи ишлар вазирлиги вакили албан спортчиларни исм-фамилиясини ошкор қилмаслигини билдириб, мамлакат ҳўкумати уларнинг илтимоси ҳақида жийдий «ўйлаб кўришни» айтган.

Теннис. Америкалик машҳур теннисчи Андре Агассининг «Теннис» журнаliga берган интервьюси кўплаб мухлислар эътиборини тортиди. Мальумки, А. Агасси ўзининг шиддатли зарблари ва ўйинини бир маомда ўткази олиши билан машҳур. Лекин, ўтган йилги мавсумни у кўпчилик кутган даражада муваффақиятли якуламади. Андре ана шу муваффақиятсизлик сабабларини изоҳлар экан, илгари у фақат талаба қозонини учун майдонга тушганини айтиди. Энди эса у катта тенниснинг моҳиятини тушунаётгани, яъни, майдонда чироили ва оқори сифатли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилаётганини таъкидлади. Унинг шахсий ҳаётига тўхталиб, Андре машҳур модельер Брук Шилде билан никоҳдан ўтгани ва яқинда у билан турмуш қуришини маълум қилди.

Олимпия. Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч венгриялик машҳур футболчи Ференц Пушкашининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан унга Олимпия орденини тошпирди.

Хуан Антонио Самаранч мазкур муқофотни Будапештадаги «Нешпштадони» стадионда, 30 минг нафар томошабин олқини остида венгер футболфи фахрийсига тошпирар экан, унинг халқаро олимпия

ҳаракати ривожига катта ҳисса қўшганини таъкидлади.

Олимпия. Австриянинг Зальбург шаҳри 2006 йилги қишқи олимпияда ўнларини ўтказишга даъвогарлик қилмоқда. У бошқа номзодлар — Германиянинг Бавария ўлкасиданги уч шаҳар — Кенигсзе, Инцелем ва Рупольдинг билан рақобатлашади.


Зальбург маъмурияти шаҳарда спорт иншоотлари қуриш бўйича тузилган лойиҳани мамлакат ҳукумати тақдим этди. Агар Зальбург Халқаро олимпия қўмитасининг танловида ғолиб чиқса, шаҳарда кенг қамровли қурилиш ишлари бошлаб юборилади.

Футбол. Воронеж шаҳридаги «Торпедо» футбол жамоасининг тўрт нафар раҳбари мансабинини суицесмоқ қилганлигида айбонлиб, ҳибсга олинди. Айни пайтда улар устидан жинийи иш қўзғатилган. Вилоят уюшган жинийатчиликка қарши кураш бошқармасининг маълум қилишича, айбонувчилар сўнгги икки йил давомида 500 миллион рубл миқдориданги маблағни ноқонуний ўзлаштирган.

КРОССВОРД

Энига: 5. Бургутсимонлар оиласига мансуб кўш. 6. Бинокорлик ашёси. 7. «Муҳаббатнома» достони муаллифи. 8. Бош ғоя ёки сиёсий талаб ифодаланган чақириқ. 9. Санъат тури. 10. Туркистон пойтахти. 16. Елғиз, якка. 19. Италиядаги шаҳарлардан бири. 20. Тоғ бутасими ўсимлиги. 21. Таниқли шах матчи. 24. Давр, босқич. 25. Металл эритувчи печ (чўян). 26. От зотларидаги бири. 28. Қитъа. 31. Шамсий йил ҳисобидаги ой. 32. Қримдаги оромгоҳ шаҳар. 33. Улқамиздаги воқиялардан бири. 34. Туркистондаги шаҳар.

35. Ҳажвий киножурнал. Бўйига: 1. Ошқў учун экиладиган хушбўй ўсимлик. 2. Рузномалардаги кичик руқн. 3. Кичик ҳажвий жанр. 4. Гул тури. 8. Самарқанддаги қадимий



мёморлик ёдгорлиги. 10. Катта спорт мусобақаси. 11. Ўзбекистон ёшлар жамғармаси.

13. Мусиқа ёзуви 14. Франция автомобиль маркаси. 15. Ўзбек халқ рақс кўйи. 17. Европа мамлакатларидан бирининг пул бирлиги.

18. Американинг Тошкент билан биродарлашган шаҳри. 22. Араб алифбосидаги харф. 23. Россиядаги шахар. 27. Уқув қуроли. 28. Эртапишар қовун нави. 29. Арабистондаги муқаллас тоғ.

30. «Темир хотин» комедияси қаҳрамони. Зафаржон ЧОРИЕВ ТДТУ талабаси

«ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ВА КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»

«ИННОВАЦИЯ-97» Республика илмий-амалий конференцияси инфорацион билдириш Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Навоий шаҳри ҳокимияти, «Қизилқум-камбметаллолти» Давлат концерни, Навоий Давлат тоғ институти, «Ўзбекистон» илмий-санъат ҳамкорлик ассоциацияси, «Навоийазот» ишлаб-чиқариш бирлашмаси 1997 йил 19-20 май кунлари Навоий шаҳрида «Инновацион-технология ривожланиши ва кичик ишлаб чиқариш қорхоналари тизимини яратиш муаммо ва истиқболлари» («Иновация-97») мавзуда республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Конференция ишида қатнашиш истагини билдирган мутахассислардан ўз маърузаларининг тизмаларини 1997 йил 30 апрелдаги ташкилий қўмитага тавсия этишларини сўраймиз.

Манзулумиз: 1. 70001, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-11, «Камолот» жамғармаси, 11-16 хоналар. Телерақонлар: (8-3712) 41-28-07, 41-00-50. Факс: (8-3712) 41-08-09. 2. 708600, Навоий шаҳри, Юнонак кўчаси-27а, Навоий ДТИ. Телерақонлар: (8-436-22) 3-15-07, 3-12-70. Факс: (8-436-22) 3-16-40. ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳимий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРАҚҚИЙИ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир АБДУҚОДИР НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Феруза ОРИПОВА

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона — 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; тўғридан бўлими — 33-79-69; изодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ